

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Миозо Улуғбек номидаги ЎзМУ  
ҳузуридаги педагог кадрларни  
қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш Минтақавий  
маркази директори

Ф.Эсанбобоев

“ ” 2015 йил

**“ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2015**

Фаннинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

А.Халмирзаев – география фанлариномзоди, доцент  
Р.Раҳмонов – иқтисодиёт фанлариномзоди

**Тақризчилар:**

Н.Муминов – иқтисодиёт фанлариномзоди, доцент  
М.Ҳайдаров – иқтисодиёт фанлариномзоди, доцент

## Ишчи дастур

**Таълим сифати менежменти дастурининг асосий мақсадиолий** таълим муассасалари профессор ўқитувчиларида таълим сифати менеджменти ҳақидакўнишка ҳосил қилиш, таълимда сифат менеджменти, у асосидапрофессор – ўқитувчиларни касбий компетентлигини шакллантириш асосида таълимга бўлган ёндашувни ўзгартериш ҳамда уларда таълим-тарбия жараёнини сифатини ортиши эвазига самарали бошқаришга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий самарага эришишни кўзда тутади.

### Таълим сифати менежменти дастурининг вазифалари

- Тингловчиларга таълим сифати менежменти бўйича олий таълим муассасалари ривожланиши ва таълим-тарбия масалалари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни таълим сифатини ташкилий ва бошқарув масаласида малакасини оширишга кўмаклашиш;
- Таълим сифати менежментини ривожланишининг янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни таълимжараённида кўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Таълим сифати менежментини ривожлантириш концепцияси, унинг асосий йўналишлари ҳамда олий таълимдаги сифат ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;
- Таълим сифати менежментини таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашнинг шартшароити ва омилларини Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### Фан бўйича билимлар, кўниқмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Таълим сифати менежменти Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар ҳамда Олий таълим сифатини таъминловчи билимлар, кўниқмалар асос қилиб олинган.

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги умумий фанлар ва умум касбий фанлар блоклари ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Фаннинг Олий таълимдаги ўрни**

Сўнгги йиллардареспубликамизда фан, маданият, ишлаб чиқариш, таълим соҳасида жадал ривожланиш суръати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, таълим тизимидағи туб ислоҳотлар амалга оширилиб – олий таълимнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви, унинг тизимиға янги ахборот ва педагогик технологияларни кириб келиши эвазига олий таълим муассасаларини бошқаришда либерал бошқарув қадриятларни тиклашни, ва унинг асосини корпоратив бошқарув ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, давлат ва жамоатчилик ҳамда шерикчилик асосидаги бошқарувни уйғунлаштириш зарур бўлиб, ушбу келтирилган талаблар асосида олий таълим тизимини ривожлантириш уни сифатини янги поғонага кўтаришда таълим сифати менежментини ўрни катта.

Таълим сифати менежменти олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва заҳира кадрларни халқаро миқёсда олий таълим сифат меъёрини такомиллашув тенденцияси ва уни илғор ютуқларини мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида қўллаш имкониятлари ҳамда мавжуд таълим ислоҳатлари сиёсатини таълим сифати менежменти асосида тассаввур этишга қаратилган бўлиб, ушбу соҳа бўйича профессор-ўқитувчилар компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Олий таълимни мустақиллик даври тараққиёт йўли, тараққиёт моделларининг ҳилма-хиллиги, Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожланишининг миллий хусусиятлари ва таълим сифати принциплари уйғунлигига ҳамда таълим муассасаси сифат тизими негизларига таянган ҳолда амалга оширишда ўзининг ифодасини топади.

## **Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари**

№	Мавзуу	Назарий	Амал ий	Кўчма маш	Тажриба алм	Муста қил
1	Умумий сифат менежменти	2				
2	Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар	2				
3	Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари	2				
	<b>Жами – 6 соат</b>	<b>6</b>				

# Маъруза матни

## 1. УМУМИЙ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТУШУНЧАСИ

(2 соат маъруза)

Режа:

1. Таълим сиёсати ва сифати: муаммо ва ечимлар
2. Таълим тизими ва тузилмасида сифат менжментини роли
3. Таълим сифатидаги муаммолар таҳлили ва ечимлар

**Калит сўзлар:** таълим сиёсати, таълим сифати, таълим тизими, сифат менементи.

1. Таълим сиёсати ва сифати:  
муаммо ва ечимлар

Биз олий таълимга таълимга эҳтиёж жуда ортган замонда яшамоқдамиз. Таълим бугунги кунда шахс рақобатбардошилиги, ишга жойлашуви ва каръера имкониятларини оширувчи таъсирчан воситага айланди. Ҳозирги замонда олий таълим муасасалари сони ва улар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг оммавийлигини ортиши сифат масаласини муҳим масала сифатида кун тартибига қўяди.

Бугунги ўқитувчи “артист” эмас, унинг меҳнати юксак маҳорат ва санъат намунаси ҳам эмас, балки ўқитувчи ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. У ўзи томонидан ишлаб чиқилаётган маҳсулот(хизмат)нинг сифатли, келишилган муддатда меҳнат ва бошқа воситалар *минимал сарфи* билан ишлаб чиқаришини таъминловчи субъектга айланди.

Кўплаб ўқитувчилар ўзлари танлаган тор мутахассисликлар (предмет) нинг “устаси” ҳисобланадилар, лекин ҳамма ўқитувчилар ҳам маҳсус педагогик тайёргарлигига эга эмаслар. Улар педагог-амалиётчи ҳисобланадилар ва фаолиятларини ўзларига ўҳшаган инсонларга ўҳшаб ташкил этадилар. Ўқитувчи бир неча жойда 1- 1,5 ставкада ишлашга мажбур,

иши ташкил этишнинг анъанавий шаклида бундай “интенсивлаштириш” кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифатига салбий таъсир этмай қолмайди.

Бугунги кунда ўқитувчи учун зарур бўлган сифат ва самарадорликни таъминловчи иш зарур. Замонавий олий таълим муасасалари 20-30 йил олдинги таълим муасасаларидан тубдан фарқ қиласди. Улар ўзига хос мухит ва керак бўлса давлатда фаолият кўрсатмоқдалар. Ташқи мухит бугунги кунда ОТМларга нисбатан жуда катта талабларни қўймоқда, лекин ОТМлар уларни эски усууллар билан ечишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда жаҳон амалиёти синовидан ўтган янги ёндашувлар талаб этилади.

Бугунги кундаги рақобатнинг асосий шарти шахс яшовчан ва рақобат устунлигига эга бўлиши учун ўқишни хоҳлаши, доимо ўқиш имкониятига эга бўлиши ва янги билимларни амалиётга тадбиқ эта билиши лозим. Бу шахсга ҳам ташкилотларга ҳам бирдек тегишли ҳисобланади. Барқарор позицияга эга бўлиш учун доимо ўзгариш талаб этилади. Доимо такомиллашув, яхши томонга ўзгариш ташкилотнинг, бизнес ва керак бўлса ҳар қандай ишнинг барқарорлиги ва мувоффақиятини таъминлайди.

Эски одатлар ва ҳаракат тамойиллари ва у билан боғлиқ бўлган фикрлаш тарзи янгича шарт шароитларда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Биз ҳамон эскича фикрлаш исканжасидан чиқиб кета олмаяпмиз, анъанавий равища “кутганимиз бошқача эди, ҳар доимгидек бўлди” натижасини оламиз, айрим ҳолатларда аввалгисидан ҳам ёмонроқ натижага эришмоқдамиз.

Биз янги таълим технологияларини тадбиқ этишга ҳаракат қиламиз, унинг самарасини кутамиз, лекин янги технологиялар ишлаб чиқариш муносабатларига янгича ёндашувларни талаб этишини унутамиз. Муаммоларнинг “айбдорини” қидирамиз, билмаймизки, унинг асосий сабабчиси ўзимиз яратган иш юритиш тизими ҳисобланади ва ўша “айбдорлар” ҳам ана шу тизимда фаолият кўрсатадилар. Биз маслаҳат дарслари ва ўзлаштирмайдиганларга жуда катта вақт сарфлаймиз ва унга ўз

фаолиятимиздаги жараён сабаб эканлигини билмаймиз. Була биз дуч келишимиз мумкин бўлган муаммоларнинг ҳаммаси эмас. Хулоса қандай бўлади? Ўзгариш зарур. Агар биз тизимни ўзгартиринишга қодир бўлмасак, ўзимизни ўзгартиринишмиз ва тизимга мослашишимиз зарур. Бунда замонавий сифат менежменти ёрдамга келади. Ёки фаолиятни бошқаришда сифатга йўналтирилганликка эътиборни кучайтириш зарур. Инсон фаровонлигининг манбай меҳнат ҳисобланади. Инсониятнинг бутун тарихи ҳам меҳнат, уни такомиллаштириш, тақсимоти унумдорлигини ошириш билан боғлиқ, натижаси эса инсоннинг яшаш мухитини такомиллаштириш ҳисобланади.

### ***Таълим тизими ва тузилмасида сифат***

Сифат меҳнат бор жойда вужудга келади ва ундан айри ҳолда бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун сифат меҳнат жараёни бўлиб, манфаатдор томонларнинг фаровонлигига таъсир кўрсатади, ҳоҳиши истаклари ва ниятларини қондиришга хизмат қиласи. Шу маънода сифат менежменти манфаатдор томонларнинг, биринчи навбатда меҳнат натижаларини истеъмолчисининг фаолиятни бошқаришга ёндашувни билдиради.

*Сифат менежменти:*

- барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганликни;
- қарор қабул қилишнинг воситалари ва усулларини;
- фаолиятнинг самаралилигини кафолатловчи усулларини;
- меҳнат жараёни иштирокчилари саъи ҳаракатларини қўйилган мақсадлар сари мобилизация қилишни таъминлайди:

Замонавий сифат менежменти бу раҳбарлик ва қўллаб қувватлашнинг самарали таркиби бўлиб, қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. ОТМда сифат менежменти ғоялари ва усулларидан фойдаланиш барча бўғинларда: ОТМ даражасида, унинг бўлимларида, факультет ва кафедраларида, студентлар билими, малакаси ва кўникмалари

шаклланадиган ва истеъмолчилар учун “қадриятлар, қийматлар” яратиладиган аудиторияларида амалга оширилиши зарур.

Олий таълим тизими нуқтаи назаридан «Менежмент – фан (предмет) мақсадлариға эришиш учун талабалар, академик гуруҳ меҳнати, интеллекти ва хулқ атворидан фойдалана билиш, ўқув жараёни ва талабаларни бошқариш ва уларни мувоффақиятга йўналтириш маҳоратидир.

«Сифат менежменти (quality management) – бу сифатга йўналтирилган раҳбарлик ва бошқаришнинг мувофиқлаштирилган фаолиятидир. У сифат менежменти тамойиллари ва дастакларидан фойдаланишга асосланган, менежментнинг барча функцияларини назарда тутган ҳолда ташкилотга таъсир этувчи узлуксиз жараён ҳисобланади.

Сифат менежменти аниқ тамойил ва концепцияларга, уларни хаётга тадбик этишнинг амалий моделлариға таянади. Энг кўп тарқалган сифати менежменти модели 9000 сериясидаги ИСО ҳалқаро стандартлар модели ҳисобланади. Унинг таркибида таълим муасасаларининг сифат тизими Намунавий модели ишлаб чиқилган.

Сифат менежментининг замонавий моделлари асосида тўлиқ сифат (*Total Quality*), TQM тамойиллари ва жараёнли ёндашув ғояси ётади. Айнан шу ёндашувлар ўқитувчи фаолиятда ўзининг аксини топиши лозим.

TQM аниқ тамойилларга асосланади. 9000 сериясидаги ИСО ҳаларо стандартларида у сифати менежменти тамойили сифтида эътироф этилган ва ана шу стандартларнинг асосини ташкил этади:

- 1) истеъмолчига йўналтирилганлик(ташкилотлар ўзларининг истеъмолчилариға боғлиқ бўладилар, уларнинг жорий ва келажадаги эҳтиёжларини тушунишлари, талабларини бажаришлари ва уларнинг истакларини улар кутмаган даражада бажаришлари лозим);
- 2) раҳбарнинг лидерлиги (етакчилиги) (раҳбарлар ташкилот фаолиятининг мақсади ва йўналиши муштаркалигини таъминлайдилар, мақбул ички мухитни яратиши ва сақлаб туриши орқали ишчиларни ташкилотнинг вазифаларини бажаришга тўлиқ жалб қила олишлари лозим);

- 3) ишчиларнинг жалб этиш(барча даражадаги ишчилар ташкилотнинг асосини ташкил этади, уларни ишга тўлиқ жалб этиш эса ташкилот учун учун фойдали тарзда ишчилар салоҳиятидан ташкилот манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш имкониятларини очади);
- 4) жараёнли ёндашув(кутилган натижанинг самарали бўлиши учун фаолият ва ресурсларни бошқаришда жараённи бошқариш сифатида қараладиган бўлса);
- 5) менежментга тизимли ёндашув (выявление, понимание и менеджментвзаимосвязанных процессов как системы содействуют результативности и эффективности организации при достижении целей);
- 6) ДОИМИй яхшиланиб бориш(фаолиятнинг доимий яхшиланиши мақсаднинг ўзгармаслиги деб таърифлаш зарур);
- 7) фактларга асосланган қарорлар қабул қилиш(самарали қарорлар далил ва ахборот таҳлилига асосланади);
- 8) етказиб берувчилар билан ўзаро манфатли алоқалар(ташкилот ва етказиб берувчилар ўзаро алоқадор ва боғлиқ ва ўзаро манфаатли алоқалар ҳар икки томоннинг имкониятларини оширади).

Сифат менежменти ғоялари ва тамойилларини амалга ошириш орқали Исломдаги “ўзинга раво кўрган нарсани ўзгага ҳам раво кўргин” деган ақида амалга оширилади. Ўзаро хурмат ва шериклик ва уни доимо яхшилаб, такомиллаштириб бориш тамойилларига асосланган ҳамкорликдаги меҳнат сифат менежментининг моҳиятини ташкил этади. Лекин сифат менежменти шиор эмас, балки иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардагиэнг яхши ташкилотларда синовдан ўтган тамойил ва дастаклар тизими, инсоният тарихи давомида йиғилган ноёб тажриба ҳисобланади. Бу тажриба ИСО 9000 сериясидаги ҳалқаро стандартлардаги сифат менежменти тизимида акс этган.

*Бизнинг назаримизда ОТМларда сифат менежменти тизими масалаларига бўлган қизиқиши:*

- Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинганидан кейинги унинг якунловчи босқичи “Сифат босқичига” ўтилиши билан;
- таълим ва илмий хизматлар бозорида рақобатнинг ривожланиши, Таълим сифати менежменти натижасида инновацион ривожланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши;
- давлатнинг таълим тизимида олиб бораётган сиёсати ва ислоҳотлари;
- сифатни ОТМ аккредитациясининг асосий шарти эканлиги;
- ҳар бир цивилизациялашган мамлакатнинг Евropa таълим маконига интеграциялашуви ва Болонья декларациясининг имзоланиши каби омилларга боғлик.

Болонья жараёни иштирокчиларининг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида (сентябрь, 2005 й.) асосий оралиқ устуворликлар белгиланган эди, булар: сифатни таъминлаш, икки даражали тизим, даражалар ва таълим даврларини тан олиш ҳисобланади. Бу жараёнда сифат масаласи биринчи ўринда турибди, уни таъминлаш ОТМларнинг зиммасига юклатилади.

### **Ўз ўзини баҳолаш саволлари.**

1. *Таълим сиёсати ва сифати: муаммо ва ечимлар*
2. *Таълим тизими ва тузилмасида сифат менжментини роли*
3. *Таълим сифатидаги муаммолар таҳлили ва ечимлар*

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.

5. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи. Халқ сўзи. 2013 йил 31 август.
6. Рахимова Д.Н., Отакулов М.К. Замонавий менеджмент: назария ва амалиёт. Дарслик.Т.: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи”, 2009 й., 60.8 б.т.
7. Отакулов М.К. Натижага йўналтирилган бошқарув. ЮНИСЕФ, ўқув–услубий қўлланма, 2007й.
8. Отакулов М.К. Совершенствование учебного процесса на основе дистанционного интерактивного программного продукта. Материалы Республиканской научно-практической конференции «Внедрение в учебный процесс ВВОУ новых педагогических и информационных технологий». Т.: 2010й.,140 стр.

## 2. Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар

### (2 соат маъруза)

**Режа:**

1. Олий таълим сифат менежменти модели.
2. Олий таълимда сифат менежменти режаси ва ташкилий ривожланиш тузулмалари.

*Калим сўзлар: сифат менементи модели, стратегик бошқарув, стратегия.*

**Олий таълим сифат менежменти модели.** Назарияда қабул қилинган уч даражали таснифдан келиб чиқиб, олий ўкув юртлари раҳбарларини олий бўғин (ректор, проректорлар), ўрта бўғин (деканлар) вакуий, базавий бўғин (кафедра мудирлари, бўлим бошликлари)га ажратиш мумкин.

Педагогик жамоага раҳбарлик қилиш – жамоа хусусияти, унинг вазифалари, таркиби, муайян вазиятларинг хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча функцияларни амалга ошириш. Вазифалар қай даражада аниқ бўлса, ходимлар шу даражада ҳамжиҳат ва уюшқоқ, раҳбариятга уларнинг муносабати шу даражада яхши бўлади.

Педагогик жамоа сиёсий етук, ташкилотчилик қобилиятлари ривожланган, юксак маданиятли, ишни яхши биладиган обрўли раҳбарга муҳтож бўлади. Булар раҳбарга иш натижаларига тўғри баҳо бериш, қўл остидагиларни ишга рағбатлантиришга ёрдам беради.

Раҳбар энг аввало ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур фазилатларга эга шахс бўлиши лозим. Шунингдек раҳбар фаолияти ва иш натижаларига унинг мижози, феъл-атвори, шахсияти, иш услуби таъсир кўрсатади. Бу ерда гап энг аввало шахснинг касбий, психолого-педагогик, ахлоқий, ташкилий-раҳбарлик фазилатлари ҳақида боради.

Раҳбар ҳамиша ўз сиёсатини амалга ошириши, мустақил фикрлаши, доим ижодий изланишда бўлиши лозим. Унинг энг муҳим вазифаси – прогрессив инновацияларни амалга фаол жорий этиш.

Раҳбар энг аввало ўз қўл остидагиларга ўрнак бўлиши лозим. Вазиятлар ранг-баранглиги, у ёки бу муаммоларни ечишга нисбатан ёндашувларнинг кўплиги замонавий раҳбарга қўйиладиган талабларни таърифлаш учун замин яратган.

1. Умумий ташкилий-бошқарув фаолияти.
2. Ижтимоий иш (одамлар билан ишлаш).
3. Ўқув фаолияти ва илмий фаолият.
4. Раҳбар шахси.

Олий ўқув юрти раҳбари ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун турли даража кишилари (талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, отоналар, тадбиркорлар, бошлиқлар) билан ўзаро муносабатларга киришиши, ҳамкаслари билан ишга доир ва ижодий муносабатлар ўрнатиши, ахборотни ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши лозим. Буларнинг барчаси олий ўқув юртлари таркибий бўлинмалари раҳбарларининг касбий тайёргарлиги даражасига юксак талаблар қўяди.

Олий ўқув юртида замонавий раҳбар танланган стратегияни амалга оширишда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ташкилий, ижтимоий-педагогик ва психологик воситалар мажмуига эга бўлиши лозим.

### Раҳбарнинг ташкилий-бошқарув модели

**Касбий маҳорат:** ташкилий-бошқарув маданияти, педагогик маданият, иқтисодий маданият, илмий фаолият маданияти, ҳуқуқий маданият, олий ўқув юртини бошқариш тажрибаси, тадбиркорлик тажрибаси

**Ташкилотчилик** фазилатлари: лидерлик, киришимлилик, ходимларнинг баҳамжиҳат меҳнат фаолиятини ташкил эта олиш, шахсий нуфуз.

**Иичанлик:** стратегик фикрлай олиш, омилкорлик, шахсий уюшқоқлик.

**Ахлоқий фазилатлар:** ходимлар қобилияти ва хулқ-атворига баҳо беришда адолатлилик, беғаразлик ва хайриҳоҳлик.

**Сиёсий маданият:** бутун жамият, қўл остидаги жамоа ва айрим ходим манфаатларига эътибор, шунингдек сиёсий вазиятни билиш, мунозара олиб бора олиш, ҳар хил нуктаиназарларга сабр-тоқатлилик

**Ии қобилияти** – раҳбар давомли, оғир ижодий ишни бажаришга қодирлиги. Иш қобилиятига соғлиқ, ёш, нерв системаси каби физиологикомиллар таъсир кўрсатади, руҳий-иродавий мажмуя: меҳнаткашлик, тиришқоқлик, оиласий фаровонлик, оптимизм

Раҳбарнинг шахсий фазилатлари ҳакимларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эътибор бериш лозим. Бунда одамларга раҳбарлик қилиш касбий ва маънавий ҳуқуқи ҳақида гапириш ўринли бўлади. Касбий ҳуқуқ энг аввало билимдонлик, ташкилотчилик қобилияtlари билан, маънавий ҳуқуқ эса – раҳбарнинг ахлоқий фазилатлари ва сиёсий маданияти билан таъминланади.

**Таълимда стратегик менежментнинг амалий жиҳатлари.** Жамиятда юз берган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шу жумладан таълим

соҳасида ҳам фаолият ҳар хил турларини амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистон иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар таълим муассасаларини бозорга қараб мўлжал олишга даъват этмоқда. Бунда асосий урғу иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий томонига берилмоқда. Мехнат жамоасини бошқариш тизимини яратишда шахс омилини ҳисобга олиш, инсон ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш айниқса долзарб тус олмоқда. Бундай шароитда инсон ресурсларини бошқариш борасидаги фаолият аҳамият касб этади.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда педагогик жараённинг, ўқувчининг, педагог касбий ва шахсий фазилатларининг ривожланишини таъминловчибошқарув зарур.

“Бошқарув” тушунчаси одатда тизимнинг бир ҳолатдан янада сифатлироқ ҳолатга ўтиши сифатида тавсифланади. Бу ерда икки жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Биринчи – тизимни сақлаш, унинг барқарорлигини қувватлаш мақсадида бошқариш (маъмурий бошқарув). Иккинчи жиҳат – тизим янги сифат ҳолатига ўтишини, яъни муттасил ривожланишини таъминловчи бошқариш.

*Стратегик бошқарув* олий ўқув юртининг бўлғуси муаммолари ва имкониятларини прогноз қилишнинг асосий усули ҳисобланади.

*Стратегия* – олий ўқув юртининг таълим хизматлари бозорининг бошқа субъектларига нисбатан рақобатбардошлиқ даражасини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятнинг ўзаро боғланган мажмуи.

Стратегик бошқарув олий ўқув юртининг бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Ташкилот ташқи ва ички муҳитининг бекарорлиги олий ўқув юртининг рақобатбардошлиқ даражасини оширувчи янги менежмент стратегиясини ишлаб чиқиши талаб этади.

“*Стратегик бошқарув*”атамаси илмий муомалага XX асрнинг 60-70-йилларида жорий бошқарув билан олий даражада амалга ошириладиган бошқарувни ажратиш учун киритилган. Бизнесни амалга ошириш шароитларининг ўзгариши шуни тақозо этган. Муҳитдаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқаш учун олий раҳбариятнинг дикқат марказини унга қаратиш зарурлиги оператив бошқарувдан стратегик бошқарувга ўтишнинг мазмунини акс эттирувчи етакчи ғояга айланган.

Стратегик менежмент қўйидаги уч муҳим саволга жавоб топишни назарда тутади:

1. Ташкилот (муассаса) ҳозир қандай аҳволда?
2. У 3,5,10 йилдан кейин қандай аҳволда бўлишни истайди?
3. Мақбул аҳволга қандай қилиб эришиш мумкин?


Биринчи саволга жавоб бериш учун раҳбарлар жорий вазиятни яхши тушунишлари керак, бунинг учун ахборот зарур; иккинчи савол келажакка қараб мўлжал оловчи стратегик менежментни акс эттиради; учинчи савол танланган стратегияни амалга ошириш билан боғлиқ.

**Маркетинг муҳити** – бозор конъюнктурасига ва маркетинг субъектлари фаолиятининг самарадорлигига фаол таъсири кўрсатувчи омиллар йиғиндиси. Олий ўқув юртига нисбатан ташқи маркетинг муҳити (макромуҳит), атроф муҳит (мезомуҳит) ва ички маркетинг муҳити (микромуҳит)ни фарқлаш мумкин.

Бозор шароитида маъмурий бошқарувда жиддий ўзгаришлар юз беради. Янги иқтисодий муносабатлар ташкилотнинг ташқи ва ички муҳитини ўзгартиради. Ташқи муҳитда бозор механизмлари амал қиласида ва уни ташкилот назорат қила олмайди. Ташкилот доирасида одамларга таъсири кўрсатиш механизмлари бозор қонунлари билан тартибга солинадиган ташқи муҳитга боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, бошқарувнинг буйруқбозлиқ усули ўрнини маъмурий бошқарув эгаллайди. У ташкилотдаги фаолиятни моделлаштириш, ривожланаётган жамиятда унинг рақобатбардошлигини таъминлашни назарда тутади. Буни таъминлаш учун раҳбарлар ва ходимлар тегишли билимлар, уқув ва кўниқмаларга эга бўлишлари лозим. таълим муассасасини самарали бошқариш учун ходимларни мотивлаштириш, таълим стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув ташкилий тузилмасини яратиш талаб этилади.

Маъмурий бошқарув кўрсатмалар, буйруқлар, фармойишларга мувофиқ амалга оширилади. Булар бошқарув фаолиятининг қонунчилик асосларини белгилайди. Ривожлантирувчи бошқарув замирида субъект-субъект муносабатлари ётади. Мазкур бошқарув таълим муассасасининг педагогик моҳиятини акс эттиради. Илмий адабиётларда бошқарувнинг мазкур усули “педагогик бошқарув” деб аталади. У илк бор Ю.В. Васильев томонидан илмий муомалага киритилган.

**Стратегияларнинг турлари ва уларни таълим соҳасида қўллаш амалиёти.** Илмий адабиётларда “стратегия” тушунчасининг мазмунига берилган қўп сонли таърифларга дуч келиш мумкин. Бу мазкур тушунча жуда серқирра эканлиги билан изоҳланади:



Бундан ташқари, стратегия ташкилот моҳияти хусусидаги муҳим саволларга жавоб беради:

1. Бугун бизнесингиз қай аҳволда?
2. Эртага унинг аҳволи қандай бўлади?
3. Хизматларингиз, товарларингиз, функцияларингиз қандай?
4. Кўйилган мақсадларга эришиш учун нима қилиш керак?

Ташкилотни стратегик бошқариш белгиларига:

- келажакни аниқ кўриш;
- яқин келажак учун мақсадларни қўйишни киритиш мумкин.

Ташкилотнинг бўлғуси ҳолатини тахмин қилиш учун беш етакчи стратегияни ўз ичига олган моделдан фойдаланилади.

1. *Маҳсулот стратегияси.* Асосий йўналишлари – маҳсулот ёки хизмат турлари, сифатини белгилаш. Таълим муассасаси таклиф қилаётган хизматлар бошқарув жараёнларини тўлиқ белгилайди. Таклиф қилинаётган хизматлар сифатини бошқариш олий ўкув юрти истеъмолчиларнинг талабларига жадал суръатларда мослашишини назарда тутади.

2. *Маҳсулот ёки хизматларни илгари сурин стратегияси.* Асосий йўналишлар – маркетинг, жамоатчилик билан алоқалар, реклама, нарх белгилаш, хизматлар кўрсатишнинг маҳсус шароитлари. Мазкур стратегияда маркетинг иши истеъмолчиларнинг талабларини аниқлашга қаратилади. Реклама таълим муассасаси, кўрсатилаётган хизматларнинг афзалликлари ҳақида ташқи муҳитга ахборот беришни, шунингдек истеъмолчиларда мазкур хизмат билан танишиш истагини уйғотишни назарда тутади.

3. *Ходимлар билан ишилаш стратегияси.* Асосий йўналишлари – ишга қабул қилиш, кадрлар мониторинги, таълим бериш ва ривожлантириш, мотивлаштириш ва рағбатлантириш, ўзаро алоқа ва назорат.

*4. Ресурслар стратегияси.* Асосий йўналишлари – ахборот, вақт, моддий ресурслар, молияни бошқариш. Зарурий ахборотга эга бўлиш рақобатда устунликни белгиловчи муҳим омилга айланади.

*5. Инновациялар стратегияси.* Асосий йўналишлари – ўзгаришларни бошқариш, технологияларни ишлаб чиқариш.

**Таълим-тарбия фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг янги йўналишларини ўрганиш ва амалда қўллаш.** Олий ўқув ютида таълим-тарбия ишининг бориши, мазмуни ва натижалари ўқув жараёни устидан назорат қай даражада тизимли ва чуқур эканлиги билан белгиланади.

***Назоратнинг бош мақсадиумумий вазифа*** – таълим-тарбия ишининг юксак назарий ва илмий даражасини таъминлаш, бинобарин, кадрларни сифатли тайёрлашга қаратилган.

*Назорат* – олий ўқув юти ҳар қандай таркибий бўлинмаси раҳбари ишининг муҳим қисми. У энг аввало *текшириши функциясини* бажаради. Ўқув жараёнининг барча томонларига қаратилган текшириш таълим-тарбия ишини муттасил ўрганиш ва унинг ҳақиқий ҳолатини билиш, унинг мазмунини кадрлар тайёрлаш соҳасида олий ўқув ютига қўйилаётган талаблар билан таққослаш имкониятини беради. Таълим-тарбия фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашнинг муҳим вазифаси – олий ўқув юти барча бўлинмаларининг ҳисобот давридаги фаолияти натижаларини қайд этиш. Олинган натижаларни таққослаш оғишларни таҳлил қилиш ва илгари қабул қилинган қарорларга тузатишлар киритишни назарда тутади.

Бундан ташқари, назорат *таълим берувчи функцияни* бажаради, чунки назорат материаллари таълим-тарбия иши тажрибасини тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уни олий ўқув ютида, айрим кафедрада қўллаш имкониятини беради. Назорат барча ҳолларда текширилаётган бўлинмага келажакка тўғри хулоса чиқариш учун имконият яратади.

Таълим тизимида мониторингнинг мақсади раҳбарни бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ва тўлиқ ахборот билан ўз вақтида таъминлашдир. Мониторинг жараёнида эксперталар гагина эмас, балки таълим тизими иштирокчиларига ҳам тушунарли бўлган баҳолаш мезонларини аниқ кўрсатиш талаб этилади.

## **Ўзини-ўзи баҳолаш саволлари**

- 1.Олий таълим сифат менежменти модели.
- 2.Олий таълимда сифат менежменти режаси ва ташкилий ривожланиш тузулмалари.
- 3.Олий таълим сифат менежментини стратегик ривожланиш истиқболлари.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"тиҚонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
5. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи. Халқ сўзи. 2013 йил 31 август.

### **3. Олий таълимда сифатни баҳолашнинг асосий йўналишлари (2 соат маъруза)**

**Режа:**

1. Олий таълимда сифатни баҳолаш мезонлари, стандартлар ва аттестация.
2. Таълимнинг умум сифат менежменти концепцияси ва баҳолашга таъсир қилувчи омиллар.
3. Олий таълим муассасалари аккредитацияси ва рейтинги.

*Калит сўзлар: стандартлар, аттестация, таълимнинг умум сифат менементи концепцияси, OTM аккредитацияси.*


1. Таълим сифатига таъсир этувчи умумий омиллар;
  - a. Инсонлар;
  - b. Технологиялар;
  - c. Моддий техникавий таъминот;
  - d. Меъёрий хуқуқий ва ўкув методик таъминот;
  - e. Рағбатлантиришлар ва асослар;
  - f. Ташқи таъсирлар.
  - g. Менежмент.

Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари ўкув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик мухим фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак<sup>1</sup>.

Перегудов Л.В., Саидов М.Х. ларнинг фикрича, таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

---

<sup>1</sup>Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2002. -51 б.



- **Инсонлар:** профессор ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва бошқалар;
- **Технологиялар:** педагогик, тарбиявий, информацийий, бошқарув, назорат қилувчи ва бошқалар;
- **Моддий техникавий таъминот:** бинолар, жиҳозлар, лобаратория ва амалиёт базаси ва бошқалар;
- **Меъёрий хуқуқий ва ўқув методик таъминот;**
- **Рағбатлантиришлар ва асослар;**
- **Ташқи таъсирлар:** бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари устунлик қилувчи омиллар омиллар мажмuinи белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёраш сифатига таъсир этади.


С.И Салониннинг фикрича, таълим хизматларининг сифатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади<sup>2</sup>: (2.1.-расмга қаранг)

Расмда кўрсатилган жараёнларнинг ҳар бирига таъриф берамиз.

**Менежмент –** ўқитувчи томонидан талаба фаолиятини бошқариш. Бу режалаштириш, керакли ресурслар билан таъминлаш, сифатни бошқариш ,

<sup>2</sup> Солонин С.И. Менеджмент качества образовательной услуги (руководства для преподавателей вузов). Екатеринбург, 2010. –С.41

жараённи мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳамда яхшилаб боришни назарда тутади.



## 2.1.-расм. Таълим хизматларининг сифатига таъсир этувчи омиллар

**Ишчи** – бу талаба. У ўқув жараёни талабларини бажаришни ўз зиммасига олади. Талаба истеъмолчиси ҳисобланади. Чунки у биринчидан, таълим хизматларидан баҳраманд бўлиши орқали ўзининг билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиради. Иккинчидан, у таълим жараёни ишчиси, чунки билим олиш таълим жараёнида фаол иштирок этишни талаб этади ва бу жараённинг талабларини бажаради.

Талаба ишчига ўҳшаб ҳар бир фан, семестр ва курс бўйича аттестациядан ўтади. Демак, талаба нафақат билим ва малака олиш, балки таълим олувчи сифатида ўқув жараёнига яроқли эканлигини кўрсатади. Талаба дастлабки материал (хом ашё) сифатида намоён бўлади.

Талаба ўқув режаларарида назарда тутилган фанларни ўзлаштириш орқали дипломли мутахассис (бакалавр, магистр) айланиб боради. Шу маънода ўқитиши инсонни мақсадли, дастурларда белгиланган йўналишларда ўзгартиришни назарда тутади.

Пировардида таълим олиш жараёнининг якунида талаба ОТМ маҳсулотига маълум маънода мустаҳкам билим ва салоҳиятга эга, таълим дастурларини ўзлаштирган ёш мутахассис(маҳсулот)га айланади. Бу

маҳсулот истеъмолчи томонидан ёлланиши ва сотиб олиниши мумкин. Иш берувчи ОТМ фаолияти тўғрисида унинг битиравчилари орқали баҳо беради.

**Технологик усул** – фанни ўрганиш жараёнида ўқитувчи томонидан кўлланиладиган таълим технологиялари. Умуман олганда ОТМда уч турдаги технологиялардан: кўп звеноли, воситачилик ва интенсив технологияларданфойдаланилади. Кўп звеноли технология сифатида ўқув жараёни намоён бўлади. Бу талабалар томонидан фанлар блокини семестрлар давомида гуруҳларга бирикиб ўзлаштиришни назарда тутади. Талабаларнинг гуруҳларда билим олиши, кўп звеноли технологияни ишлаб чиқаришнинг серияли типига мансублигини билдиради. Фақат истисноли ҳолатларда ОТМда таълим олиш индивидуал тавсифга эга. Шунинг учун ОТМда ўқув жараёнини режалаштириш серияли типдаги ишлаб чиқариш сифатида қаралади. Шунинг учун ОТМда ўқув жараёнини режалаштириш талабалар гуруҳи учун мўлжалланади ва серия ишлаб чиқаришга ўхшаб кетади. Ўқув жараёнининг натижалилиги ва самарадорлигини ошириш учун алоҳида шароитларда ушбу гуруҳлар йириклаштирилади (бир неча гуруҳлар потокларга бирлаштирилади ёки ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш мақсадида гуруҳчаларга бўлинади). Ўқув жараёнининг серияли тури ишлаб чиқариш технологияси сифатида ўқитувчи томонидан алоҳида, ишлаб чиқаришнинг айнан шу тури учун хос бўлган, мос келувчи таълим технологияларини қўллашни талаб қиласи ва репититорлик каби ёндашувларни инкор қиласи.

ОТМда воситачилик технологиялари ҳар йили янги талабаларни танлаб олиш ва танлов асосида ўқитувчиларни ишга олиш асосида кўп звеноли таълим жараёнида уларни ўзаро алоқадорлигини таъминлайди ва ҳар бир иштирокчининг ўзи кутган “қиммати”ни олиш имкониятларини яратади. Талаба-олий маълумот олиш учун таълим хизматларини олса, ўқитувчи – таълим жараёнида иштирок этиш ва моддий рағбатлантириш олади.

Интенсив технологиялар деб талабани ўқитиш учун керакли бўлган билим ва малакага эга бўлган ўқитувчининг таълим фаолияти тушунилади.

Бундай технологияни санъат, маҳорат ва уқувлилик, таълим олувчиларда билим, кўникма ва компетенцияни шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи усуллар мажмуи ҳисобланади.

Таълим технологиялар деганда ўқув мақсадларига эришиш имкониятларини берувчи усул ва воситалар мажмуини тушуниш мумкин. Бундай усул ва воситалар мажмуига ўқув машғулотларининг турлари, таълим олувчиларни жорий ва якуний назорати диагностика воситалари киради.

Таълим сифатини оширишда инновацион технологияларнинг ўрни ҳам юқори ҳисобланади. Унга: информацион ресурслар ва билимлар базаси; электрон мультимедияли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар; уларнинг мазмунини таълим дастурларининг энг илғор хорижий ва миллий мезонларга мослаштириш; курслар мазмунида тадбиркорлик ғояларини ривожлантириш; фанларни ўзлаштиришда муаммоли вазиятлар ва фанлараро алоқаларни ривожлантириш ёндашувини ривожлантириш; таълим жараёнида ўқитишининг фаол, тажриба асосида ўқитиш, амалиётни ўрганишга асосланган усул (case studies) ларидан фойдаланишни назарда тутади.

Юқоридаги келтирилганларнинг барчаси таълим технологиялари сифатида фойдаланиладиган воситалар мажмуасини ташкил этади ва буларнинг барчаси ўқув жараёнининг натижалилиги ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади.

**Дастлабки материаллар, хом ашё** –бу ўқув жараёнига жалб этилган талabalар бўлиб, жараённинг бошидан охирига қадар ўзгариб, билим, малака ва маълум компетенцияга эга бўлиб боради, яъни оддий хом ашё(кечаги ўқувчидан)дан тайёр маҳсулот(бугунги ОТМ битирувчисига)га айланади.

Дастлабки материалларнинг сифати–жараённинг натижалилиги ва самарадорлигини муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун ОТМга келгунга қадар талаба дастлабки тайёргарликдан ва танловдан ўтади. Унинг мақсади ўқув жараёида самарали иштирок этадиган сифатли материални танлаб олиш ҳисобланади.

**Жиҳоз ва асбоблар** – бу аудитория фонди, техник воситалар жамламаси, ўқув жараёнида қўлланиладиган ташкилий ва ўқув методик материаллар каби таълим хизматларида қўлланиладиган омиллар ҳисобланади. Фан бўйича ўқув жараёнида қўлланиладиган ташкилий ва ўқув методик материаллар мажмуаси сифатида Ўқув услубий мажмуа намоён бўлади. Техник воситаларга синф докаси ва бўр, мультимедия проектори ва компьютер синфи, лобаратория жиҳозлари ва бошқалар киради. Фан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу воситаларнинг мавжудлиги ва тури таълим жараёнининг натижалилиги ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади.

